

# ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Саримов Шахбозали Соатали ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Давлат молиясини бошқариш йўналиши магистранти

Бугунги кунда республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири - бу ишлаб чиқариш корхоналарининг ракобатбардошлигини ошириш, ташки ва ички бозорлар учун сифатли, ракобатбардош маҳсулотларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш ва сотишда замонавий савдо хизматларини ташкил қилиш ҳамда ушбу хизмат имкониятларидан самарали фойдаланиш мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишларидан бири “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаш-тиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк хукукини химоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рағбатлантириш, худудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб холда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш” [2].

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўп ўлчамли жараён бўлиб, уни битта қўрсаткич билан тўлиқ баҳолаш мумкин эмас. Бирок, бир қатор қўрсаткичлар алоҳида таҳлил қилинган холда, ҳақиқатнинг интеграциялашган ва якъол ифодасини бермайди. Бу эса турли ривожланиш қўрсаткичларининг оптимал бирикмасига асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг композицион индексини куришни талаб қиласди.

Маълумки, минтақалар табиий - иқтисодий салоҳиятининг таркиби қисмига минерал хом-ашё, ер ва сув ресурслари, аҳоли ва меҳнат ресурслари, асосий ишлаб чиқариш фондлари, айланма ишлаб чиқариш ресурслари ва аҳолининг шахсий мулки киради. Бу ресурслари миқдори ва улардан фойдала-ниш даражаси бўйича минтақа ва худудлар бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Ёкилғи-энергетика ва минерал хом ашё ресурсларининг саноат аҳамиятига эга бўлган қисмининг қиймати бўйича минтақалар орасида Қашқадарё, Тошкент, Навоий, Бухоро вилоятлари ажралиб туради. Энг кам салоҳиятга эга бўлган худудлар қаторига Сирдарё, Хоразм, Андикон, Наманган, Фарғона вилоятлари киради. Уларнинг хом ашё базаси асосан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кичик нефт газ ва қурилиш материаллари конларидан иборатdir.

Химия саноати ҳом ашёсининг қиймати бўйича мамлакатда Қашқадарё вилояти (77%) ва Қорақалпоғистон Республикаси (11%) юқори ўринни эгаллади. Биринчисида калий ва ош тузи, иккинчисида эса сульфат ва ош тузи кенг тарқалган. Лекин хом ашёни ҳозирги пайтда қазиб олиш жиҳатига кўра Республикада Қорақалпоғистон Республикаси асосий ўринни эгаллади. Бу вилоятда Хўжакон конида ош ва техник тузлар қазиб олинади. Навоий вилоятида мамлакатда текширилган фосфорит заҳираларининг ҳаммаси жойлашган. Нометалл қазилмалар асосан Тошкент (каолин, плавик шпати), Навоий (дала шпати, кварц қуми) вилоятлари ва Қорақалпоғистонда (талк) жойлашган. Тошкент ва Навоий вилоятларида цемент ресурслари жойлашган. Пардозловчи плиталарни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган мармар ва гранит тошлари заҳираларига Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бой ҳисобланади.

Аҳоли ва меҳнат ресурслари барча худудларнинг иқтисодий салоҳиятини белгиловчи асосий қўрсаткич ҳисобланади. Мамлакат меҳнат ресурсларининг умумий сонида Тошкент шаҳри (12%), Фарғона вилояти (10,8%), Самарқанд вилояти (10,2%) Тошкент вилояти (8,9%). Бу жиҳатдан Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларининг салмоғи анча кам.

Минтақаларда мавжуд ҳом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва худудий номутаносибликларга барҳам бериш керак. Саноат ривожланишини тартибга солишнинг иқтисодий дастакларидан устун даражада

фойдаланиш саноат корхоналари эркинлигини таъминлашга, Давлат инвестиция дастурида кўзда тутилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, ҳудудларда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ҳамда тадбиркорлик шакллари ривожланишига кенг йўл очиб беради, ҳудудий тузилмаларда саноатнинг тармоқ тузилишини яхшилаш ҳамда соҳа ишлаб чиқаришини ҳудудий ташкил этишнинг илгор шаклларини жадал ривожлантириш имкониятини яратади. Саноат ривожланишини таъминлашда иқтисодий механизмлардан самарали фойдаланиш миңтақалар миқёсида саноат ишлаб чиқарувчилари учун қулай макроиқтисодий муҳит шаклланишига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

- [1] Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси №19 (7521), 2020 йил 25 январь.
- [2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
- [3] Холбекова ФР. Минтақалар иқтисодий ўсишини таъминлашга таъсир этувчи омиллар таҳлили. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. № 3, may-iyun, 2020 yil